

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ИСЛАМОВА ЖАННАТ ИКРАМОВНА

**ТЕРПЕНОИД, ПОЛИФЕНОЛ ВА УГЛЕВОДЛАРГА МАНСУБ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИНИНГ ПАРАЗИТЛАРГА ҚАРШИ ВА
ПРЕБИОТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ФАРМАКОЛОГИК БАҲОЛАШ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of sciences(DSc)
on medical sciences**

Исламова Жаннат Икромовна

Терпеноид, полифенол ва углеводларга мансуб ўсимлик моддаларининг
паразитларга қарши ва пребиотик хусусиятларини фармакологик
баҳолаш..... 3

Исламова Жаннат Икромовна

Фармакологическая оценка антипаразитарной и пребиотической
активности растительных веществ терпеноидной, полифенольной и
углеводной природы..... 27

Islamova Jannat Ikromovna

Pharmacological assessment of antiparasitic and prebiotic activity of plant
substances of terpenoid, polyphenolic and carbohydrate
nature..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.DSc/Tib259 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сыров Владимир Николаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Даминова Лола Тургунпулатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хакимов Зиёвиддин Зайнитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ибадова Гульнора Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-чи уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л.Аляви
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (Фан доктори диссертацияси аннотацияси (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга кўра (ЖССТ) «...ҳозирги вақтда дунёда аҳолини паразитозлар билан зарарланиши даражаси 4,5 миллиарддан ортиқни ташкил этади...»¹. Инвазиянинг кўп хиллиги орасида «...организмда сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқарувчи, яъни, ошқозон-ичак тизимидаги паразитар касалликлар юқори кўрсаткичини ташкил қилади ва бу биринчи навбатда, паразитлар чиқарувчи захарли моддалар, организмга аллергик реакциялар ва моддалар алмашинувининг бузилиши билан кечади...»². Инвазион патология айрим ҳолларда организмда энг юқори патоген таъсир чақирувчи ва бир вақтнинг ўзида кечувчи қатор касалликлар, яъни, ичаклар микрофлораси мувозанатни бузилиши бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда дунёда замонавий дори воситаларнинг паразитларга қарши ва пребиотик фаоллигини баҳолашга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда «...бактериялар, микрофлора, пребиотиклар ва паразитлар, макрофаунани ўзаро таъсирини ва уларни ичак гомеостазига таъсирини ҳамда турли дори воситалари таъсири остида паразитлар ва микроорганизмларни ультртузилмавий ўзгаришларини, организмдаги метаболик бузилишларни тиклаш қобилиятига эга бўлган бирикмалар таъсир механизмини асослашдан иборат...»³. Шунинг учун халқ табобатида паразитар касалликларни даволаш ва ошқозон-ичак тизимининг фаолиятини тиклаш учун илгаридан ишлатилган ўсимликлардан ажратиб олинган турли табиий моддаларни излаб топиш ва ўрганиш ўзига хос қизиқиш уйғотади. Ўсимликлар асосидан ажратиб олинадиган баъзи турли - туман моддалар юқорида кўрсатиб ўтилган фаоликка эга бўлиши келгусида улар асосида ичак микрофлорасини меъёрда ишлаши ва паразитларга қарши самарали воситаларни ишлаб чиқиш усулларини очиши соҳа ходимлар олдида турган муаммолардан биридир.

Жаҳонда терпеноид, полифенол ва углеводларга мансуб ўсимлик моддаларининг паразитларга қарши ва пребиотик хусусиятларини фармакологик баҳолаш самардорлигини оширишни такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада тажриба ҳайвонларида тажрибалар сериясидаги инвазияда паразитар кечишга гименолепидоз, аспикулуроз, лямблиоз, маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган терпиноид ва полифенол тузилма бирикмаларини скрининг тадқиқ қилиш, ҳамда *in vitro* ва *in vivo* тажрибалар сериясида маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан углевод табиатли бирикмалар жамланмаси ва индивидуал пробиотик фаоллигини асослашдан иборат. Турли вазиятларда Гелрем ва Антигельминт каби паразитларга қарши таъсирга эга бўлган анъанавий

¹Сергиев В. П. Атлас клинической паразитологии и тропической медицины.//Москва. Авторская академия. Товарищество научных изданий КМК 2010. – 284с.

²Лысенко А.Я., Владимирова М.Г., Кондрашин А.В., Майори Дж. Клиническая паразитология.–М.: Медицина, 2002. – 235с.

³Jones K.D., Berkley J.A. Severe acute malabsorption and infection // Annals Trop. Paediatr. – 2014.- Vol. 34, Suppl. 1.- P.1-29.

воситалар, тадқиқ қилинган энг анъанавий ўсимлик бирикмалари ва бу йўналишда энг фаол пробиотик таъсирга эга бўлган Дюфалак дори воситасини қиёсий асослаш иборат. Оптимал таъсир этувчи миқдор ва концентрацияси белгилаш, шунингдек, тажриба ҳайвонлари организмга ўрганилаётган воситаларнинг умумфармакологик таъсири тавсифлаш, ичаклар микрофлорасини бузилишини олдини олиш, паразитар инвазияни даволаш самарадорлигини баҳолаш ҳамда юқумли гижжа касалликлари ва ичаклар микрофлорасини бузилишини самарали даволаш механизмини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, даволаш профилактик муассасаларни замоанвий асбоб-ускуналар билан жихозлаш, аҳоли орасида соматик касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли турли қатламлари орасида қатор юқумли касалликлар натижасида юзага келадиган ичак микрофлорасининг бузилишини олдини олиш, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик ривожланишининг хавф омилларининг асоратлари натижасида юзга келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», ПҚ-2595-сон «2016-2020 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича чора - тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵. Терпеноид, полифенол ва углевод табиатли ўсимлик моддаларининг паразитларга қарши ва пребиотик фаоллигини фармакологик баҳолашни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute of Parasitology of the Slovak Academy of Sciences (Словакия), University of Copenhagen (Дания), Université Catholique de Louvain (Бельгия), Imperial College Healthcare (Буюк Британия), University of Minnesota (АҚШ), Northwick Park Institute for Medical Research (Хитой), Kyung Hee University (Жанубий Корея), University of Health Sciences (Ҳиндистон), North-Eastern Hill University (Ҳиндистон), РФ Президенти ишлари бўйича ўқув-илмий тиббий Маркази (Россия), Ўсимлик моддалари кимёси институти (Ўзбекистон).

Терпеноид, полифенол ва углевод табиатли ўсимлик моддаларининг паразитларга қарши ва пребиотик фаоллигини фармакологик баҳолаш оширишга эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, паразитларга қарши ва пребиотик таъсирни келиб чиқиши ўсимлик бўлган бирикмалар тузилмасига яққол намоён бўлган боғлиқлиги кўрсатилган (University of Reading, Буюк Британия; Institute of Parasitology, Словакия); ўсимлик пребиотиклари ва паразитларга қарши дори воситаларини организмнинг асосий тизимларига, яъни МИТ, гепато-билиар, қон ҳосил қилувчи (Kaohsiung Medical University, Тайвань), шунингдек, организмнинг махсус ҳимоя омилларини фаоллаштиришга кўрсатадиган таъсири асосланган (University of Health Sciences, Ҳиндистон; Instituto de Zootecnia, Бразилия); ташхислаш ва даволаш агентларини етказиб бериш учун турли дори воситалари билан конъюгатларни яратиш мақсадида ўсимлик моддаларининг физик-биологик хусусиятлари асосланган (Fukuyama University, Япония; Санкт-Петербург Давлат Тиббиёт университети, Россия); паразитларга қарши ва пребиотик фаолликка эга бўлган, терпеноид, полифенол ва углевод табиатли ўсимлик моддалари асосида дори воситалари ишлаб чиқилди (Ўсимлик моддалари кимёси институти).

Дунёда терпеноид, полифенол ва углевод табиатли ўсимлик моддаларининг паразитларга қарши ва пребиотик фаоллигини фармакологик баҳолаш билан самарадорлигини оширишни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: бактериялар (микрофлора), пребиотиклар ва паразитлар (макрофауна)ни ўзаро ва уларни ичак гомеостазига таъсирини асослаш; турли дори воситалари таъсири остида паразитлар ва микроорганизмларни

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.uottawa.ca; www.sklifos.ru, ifnmu.edu.ua, www.english.us.edu.pl, www.keio.ac.jp, www.uksh.de, www.utoronto.ca, www.fudan.edu.cn, www.ucalgary.ca; www.ufsc.br; www.fimmu.com; www.en.csu.edu.cn; www.cu.edu.eg; www.gu.se; www.ku.dk; www.ifnmu.com, www.helsinki.fi, www.tma.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

ультратузилмавий ўзгаришларини баҳолаш; организмдаги метаболик бузилишларни тиклаш қобилиятига эга бўлган бирикмалар таъсир механизмини ишлаб чиқиш; янги ишлаб чиқилган паразитларга қарши воситаларни таъсир механизмини асослаш (сунъий ва табиий бирикмалар композицияси); тажриба ҳайвонлари организмга ўрганилган воситаларнинг умумий фармакологик таъсирини тавсифлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлат олимларининг (R.J.Lin, 2014; J. T. C.Júnior, 2016; L.Glending, 2014; E.A.McKenney, 2015; R.W.Li, 2012; T.P.Jenkins, 2017; M-A.Travers,2011) аниқлашича, ичакларнинг микрофлораси ва паразитлар ҳўжайиннинг озуқа моддалари учун рақобатлашади, паразитларнинг ўзи эса метаболик потенциал билан бирга фойдали бактериялар миқдорини камайтириш томонидан гомеостазни бузади. Шу билан боғлиқ равишда, улар тасдиқлайдики, фойдали микроорганизмларни стимуллаш учун пребиотикларни қўллаш билан даволашга ёндошиш, махсус паразитлар билан зарарланиш хавфини пасайтиришга ёки паразитларга қарши даволашнинг анъанавий усулларини тўлдиришга ёрдам бериши мумкин. МДҲ мамлакатлари олимлари паразитларга қарши ва ичак микробиоценозини меъёрлаштирувчи учун дори воситалар ишлаб чиқишга салмоқли ҳисса қўшдилар (Г.Е.Пронченко, 2013; И.Г.Гламаздин, 2016; С.А.Медведева, 2003). Улар бу йўналишда келажаги порлоқ бўлган маҳаллий ўсимлик ресурсларини излаш, уларни кимёвий-биологик ўрганиш ишларини олиб бормоқдалар ва турли синфларга талукли бўлган алоҳида бирикмаларнинг ҳам, турли ўсимликлардан тайёрланган экстрактлар жамланмаси каби бўлган алоҳида бирикмаларнинг паразитларга қарши ва пребиотик фаоллигининг кенг қўламдаги тадқиқотларини олиб бормоқдалар, улар бунда биологик фаолликнинг бошқа турлари (яллиғланишга қарши, гепатохимоя, антиоксидант, микробларга қарши) билан бирга келади.

Ўзбекистонда паразитларга қарши ва ичак микробиоценозини меъёрлаштирувчи БФҚ ва дори воситалари яратишга маҳаллий қатор олимлар сезиларли ҳисса қўшдилар (Н.А. Дехкан-Ходжаева, 1970; С.О.Осипова, 1988; Д.К.Огай, 2012), лекин, терпеноид, полифенол ва углеводларга мансуб моддаларнинг паразитларга қарши ва пребиотик фармакологик баҳосини яхшилаш учун илмий тадқиқотлар олиб борилмади.

Бироқ, мавжуд бўлган ривожланишларга қарамадан, организмнинг гомеостазини тиклаш ва паразитар қўзғатувчиларининг эрадикацияси бўйича уларнинг таъсир механизмини аниқлаш мақсадида ичаклар микробиоценозига таъсирини ҳисобга олиш билан янги паразитларга қарши дори воситаларини излаш муаммоси очик бўлиб қолмоқда, бу эса мазкур диссертацион тадқиқот ишининг долзарблиги ва илмий-амалий заруриятини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-А10-Т203 «Ўзбекистонда ўсувчи

Ўсимликлардан олинган табиий бирикмалар асосида паразитларга, бактерияларга ва замбруғларга қарши ва пребиотик фаолликка эга препаратлар яратиш» (2012-2014), ФА-А11-Т037 «Полисахаридлар асосида пребиотик фаолликка эга восита кам молекуляр оғирликдаги оксиллар асосида олинган холестеринга қарши таъсирини намоён қилувчи биологик фаол қўшимча (БФҚ) яратиш» ва ФА-А11-Т035 «Таъсир доираси кенг бўлган гельминтларга ва лямблияга қарши комплекс препаратлар яратиш» (2015-2017) ҳамда ҳозирда давом этаётган ПЗ-2017092929757 «Маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан олинган пектин полисахаридлари бактерияларга қарши таъсирга эга пребиотик восита сифатида» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан ажратиб олинган терпеноид, полифенол ва углевод табиатли бирикмаларнинг паразитларга қарши ва пребиотик фаоллигини фармакологик баҳолаш ҳамда тиббиёт амалиётида уларни қўллаш имкониятини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан ажратиб олинган терпеноид ва полифенол тузилишли бирикмаларининг паразитар (аспикулуроз, гименолепидоз, лямблиоз) инвазия кечишига таъсири бўйича скрининг тадқиқотлари ўтказиш;

маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан ажратиб олинган углевод табиатли индивидуал ва йиғма бирикмаларининг пребиотик фаоллигини *in vitro* ва *in vivo* тажрибалари ёрдамида баҳолаш;

ўрганилаётган ўсимлик бирикмаларидан энг фаолининг паразитларга қарши (Гелрем ва Антигельминт (БФҚ) дори воситалари билан) ва пребиотик (Дюфалак дори воситаси билан) таъсирини солиштирган ҳолда баҳолаш, мақбул самарали миқдор ва концентрацияларни баҳолаш;

ўрганилаётган моддаларда бошқа биологик таъсирлар (микробга қарши ва иммунотроп) мавжудлигини баҳолаш;

комплекс паразитларга қарши (синтетик ва табиий бирикмалар композицияси) ва солиштирма дори воситаларни (Албендазол ва Азинокс) *in vitro* ва *in vivo* тажрибаларида қиёслаш;

ўрганилаётган дори воситаларининг тажриба ҳайвонлари организмига умумий фармакологик ва токсикологик таъсирини тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан ажратиб олинган кимёвий тузилиши бўйича стероид, алкалоид, терпеноид, полифенол ва углеводлар қаторига кирувчи бирикмалар, синтетик восита ва табиий бирикмалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети инсон энтеробиози тажрибавий модели сифатида қўлланилувчи - паразитларнинг аспиклуроз (қўзғатувчиси - *Aspiculuris tetraptera*), гименолепидоз (*Hymenolepis nana*) ва лямблиоз (*Lambliа muris*) тажрибавий модели чақирилган тажриба ҳайвонларнинг нажаси ва ичак таркиби ҳамда тажрибавий антибиотик–ассоциирланган дисбактериоз чақирилган оқ сичқонлар ўрганилаётган,

микроорганизмларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, бифидо- ва лактобактерияларнинг маҳаллий штаммлари пребиотик таъсир ҳамда патоген штаммларнинг стандарт қатори микробга қарши таъсири, тажриба ҳайвонларининг қорин бўшлиғи шиллиқ қавати, уларнинг қон ва қон зардобини, жигар ва талоқ тўқималари – биоматериалларининг биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда паразитологик, микробиологик, биокимёвий, иммунологик ва фармакологик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бир вақтнинг ўзида 3 та тажрибавий модел – аспикүлуроз энтеробиознинг адекват модели, гименолепидоз ва лямблиоз ичак паразитози чақирилган тажриба ҳайвонларда маҳаллий ўсимлик хом ашёларидан олинган бирикмаларнинг паразитларга қарши хусусияти учун скрининг тажрибалари ўтказиш механизми асосланган;

илк бор текширилаётган ўсимлик бирикмаларининг алоҳида кимёвий гуруҳлардаги (айниқса спиростан ва фурустан генинларнинг гликозид ҳосилалар, лактонлар ва полифенолларнинг орасида) сафи юқори фаол моддалар эканлиги ва ўзаро алоқадорлиги «тузилиши-фаоллиги» курсатилди;

илк бор маҳаллий ўсимликлардан олинган углевод тузилишига эга бирикмаларнинг пребиотик хусусиятга эгаллиги ва уларнинг иммунологик таъсири тавсифланган;

илк бор ҳозирда қўлланилиб келинаётган Азинокс ва Альбендазол препаратларидан самарадорлиги, кенг кўламли қўлланилиши ва токсикологик кўрсаткичлари ўсимлик ва синтетик бирикмалар асосида олинган Альпек (альбендазол+пектин) янги паразитларга қарши дори воситаси яратилган;

илк бор Экдинокс ва Альпек препаратларининг ошқозон-ичак тракти функционал ҳолатларига таъсири гепатотроп таъсири ва меърий ичак микрофлорасига метаболик таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ичак паразитозларининг турли тажрибавий моделларида ўсимликлардан олинган бирикмалар Гелрем ва Антигельминт таниқли дори воситалари билан солиштиштириб ўрганилганда уларга нисбатан анча фаол эканлиги, уларнинг оптимал таъсир қилувчи миқдори ва микробларга қарши таъсири баҳоланган;

олиб борилган тадқиқотлар натижасида кенг кўламли паразитларга қарши таъсирга эга «Гельминтабс», «Флавоцид» ва «Ферулямб» йиғма препаратлари яратилган;

углевод табиатли ўсимликлардан олинган бирикмалар таниқли Дюфалак дори воситаси билан солиштирган ҳолда ўрганилган пребиотик таъсир фаоллиги ҳақида маълумотлар келтирилган, улар орасидан энг фаолли ва пребиотикларнинг оптимал концентрацияси баҳоланган;

бифидобактерия ва лактобациллалар маҳаллий пробиотик штаммларини танлаш учун озуқа муҳитини тайёрлаш босқичида *Ferula kuhistanica* ўсимлигидан олинган пектин полисахаридларини субстрат (пребиотик)

сифатида жорий этиш мақсадида пробиотикларни ишлаб чиқариш технологияси самарадорлигини оширишнинг янги усуллари таклиф қилинган;

макроорганизм учун ҳимояловчи таъсирга эга паразитларга қарши Экдинокс ва Альпек комплекс дори воситалари яратилган, уларнинг оптимал таъсир миқдори ва кейинчалик уларни тиббиёт амалиётида қўллашни амалга ошириш имкониятлари баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тажриба ҳайвонлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган паразитологик, микробиологик, биокимёвий, иммунологик ва фармакологик ва статистик усуллар ёрдамида полифенол ва углеводларга мансуб ўсимлик моддаларининг паразитларга қарши ва пребиотик хусусиятларини фармакологик баҳолаш халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор маҳаллий ўсимликлардан олинган терпеноид, полифенол ва углевод табиатли бирикмаларнинг паразитларга қарши ва пребиотик таъсирини *in vitro* тажрибалари орқали тажриба йўли билан олинган ҳайвонларнинг ичак паразитози ва дисбактериози моделлари орқали асослаш тадқиқотлари олиб борилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўтказилган тажрибалар натижасида тиббиёт амалиётида қўллаш учун паразитларга қарши (Гельминтабс, Флавоцид ва Ферулямб), пребиотик (*Ferula kuhistanica*дан олинган арабиногалактан ва пектин полисахаридлар) ва комплекс (Экдинокс ва Алпек) дори воситасини яратиш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Терпеноид, полифенол ва углеводларга мансуб ўсимлик моддаларининг паразитларга қарши ва пребиотик хусусиятларини фармакологик баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Гименолепидозни даволовчи воситаси» бўйича Ўзбекистон Республикасининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05331). Ушбу усул аҳоли орасида гижжалар асоратларини даволаш сифатини ошириш имкон берган;

«Гельминтларга қарши восита олиш усули» бўйича Ўзбекистон Республикасининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05484). Ушбу усул аҳоли турли қатламлари орасида гижжаларнинг тарқалишини олдини олиш сифатини ошириш имкон берган;

«Пребиотик фаолликка эга арабиногалактан воситаси олиш усули» бўйича Ўзбекистон Республикасининг ихтиро патенти олинган (№IAP 05620). Ушбу усул аҳоли турли қатламлари орасида ичаклар микрофлорасининг бузилишини олдини олиш сифатини ошириш имкон берган;

«*Ferula kuhistanica*дан олинган пребиотик фаолликка эга пектин полисахаридларини кўллаш орқали пробиотик дори воситаларини ишлаб чиқиш технологияси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 май 8н–д/120–сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномаси «Бифидумбактерин» ва «Лактобактерин» дори воситаларини ишлаб чиқариш таннархини камайтириш имконини берган;

Терпеноид, полифенол ва углеводларга мансуб ўсимлик моддаларининг паразитларга қарши ва пребиотик хусусиятларини фармакологик баҳолашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, ишлаб чиқаришнинг янги такомиллаштирилган саноат тизими Тошкент шаҳридаги «OROM-BIOPREPARAT» маъсулияти чекланган жамияти «Бифидумбактерин» ва «Лактобактерин» лиофилизирлаган биомассаси амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 08 июндаги 8н–з/40–сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга жорий қилиниши мамлакатимиз аҳолиси орасида кенг тарқалган ичак микрофлорасининг фаолиятини тиклаш самарадорлигини оширувчи дори воситаларни ишлаб чиқариш таннархининг 25% га пасайиштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ва 3та ихтиро патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикадаги фан ва технологияларни устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиғи, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ичак паразитозлари, ичак микрофлораси касалликлари ва уларни даволаш усуллари ҳақида замонавий назариялар**» деб номланган иккита қисмдан ташкил топган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган, паразитларга қарши ва пребиотик

воситаларнинг турли гуруҳлари ҳамда уларнинг манбалари: синтетик, ўсимлик, ҳайвон ва уларнинг фармакологик фаолликларини ўрганиш даражалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларда фойдаланилган асосий тажриба материал ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тажриба моделлари, микроорганизмларни экиш усуллари ва ўрганилган бирикмаларнинг самарадорлигини аниқлаш тўлиқ ёритиб берилган.

Тадқиқотларда куйидаги фармакологик моддалар ўрганилди: стероид бирикмалар–индивидуал фитоэкдистероидлар (экдистерон, 20-гидроксиэкдизон, 2-дезоксидстерон, интегристерон А, полиподин В ва циастерон) ва витанолидлар (физангунолид, 24,25-эпоксивитанолид Д, 14 α -оксииксокарпанолид, иксокарпалактон А иксокарпанолид, витафизанолид ва 28–оксивитафизанолид, витастромонолид, физапубесцин), стероид генинлар (тигогенин, гитогенин, агигенин, аллиогенин, (25S)-рускогенин, сепагенин, анзурогенин А, анзурогенин С, неотигогенин, неоагигенин, диосгенин, юккагенин), спиростан гликозидлар қатори (каратавиозид А, аллиоспирозид А, аллиоспирозид В, аллиоспирозид Д, биозид неотигогенин) ва фуростан (томатозид А, нолинофурузид С, нолинофурузид F, аллиофурузид); алкалоидлар-цитизин, унинг синтезланган N-бензил ҳосилалари, N-метилцитизин ва 3-бромцитизин; дезоксивазицинон, макиназолинон ва уларнинг тиоаналоглари–метилен ҳосилалари; терпеноидлар - индивидуал сесквитерпен лактонлар (танахин, танацин, танапсин, тахиллин, тавулин, артемизинин, дигидроартемизинин артеаннуин В, репин, акроптилин, гирканин, леукомизин, аустрицин, бадхызин, игалан, алантолактон, изоалантолактон) ва шартли номланиши «Гельминтабс» - йиғма лактон тутувчи препарат; полифеноллар – флавоноидлар: уларнинг содда мономерлари (оробол, формонетин, генистин, биоханин лютеолин, хризоериол, цинарозид, термопозид, галангин, мирицетин, хаплизид глабринин, глаброл, леманин С, аммотамнидин), полимер шакллари – проантоцианидинлар (кавергал, катацин, родихин ва родикимозид) ва шартли номланиши «Флавоцид» - йиғма флавоноид тутувчи препарат; ўзининг таркибида олтингугурт тутувчи алифатик қатори бирикмалари, тиофен ҳосилалари, кумаринлар ва уларнинг ҳосилалари ҳамда терпенлар қаторини тутувчи *Ferula tadshikorum* илдизи қаттиқ – смоласи экстракти, шартли номланиши - «Ферулямб» препарати; углеводлар – арабиногалактан, пектин моддалар, инулин, фруктоолигосахаридлар; синтетик воситалар ва табиий бирикмалар композициясидан ташкил топган «Экдинокс» препарати, яъни, синтетик паразитларга қарши асоси - празиквантел бўлган препарат (маҳаллий номланиши «Азинокс») ва ўсимлик манбасидан олинган асоси экдистерон-фитоэкдистероидидан иборат адаптоген хусусиятли экдистен – препаратлари конъюгати; *Ferula kuhistanica*дан олинган табиий полимер пектинлар ва бензимидазол қаторига кирувчи паразитларга қарши Альбендазол препарати субстанциясининг механокимёвий модификация технологияси асосида яратилган «Альпек» препарати.

Бирикмалар ФА ЎМКИ гликозидлар кимёси, алкалоидлар кимёси, органик синтез, юқори молекуляр бирикмалар кимёси, синтетик препаратлар технологияси лабораториялари ходимлари томонидан ажратиб олинган.

Тажрибалар тана массаси 13-20г оқ эркак сичқонларда, иккала жинсли тилла ранг оғмахон (ўртача тана массаси 120г), тана массаси 150-190г оқ эркак каламушларда олиб борилди. Тажириба ва назорат гуруҳларига ҳар бир миқдор учун 6 та ҳайвон олинди.

Ўрганилаётган бирикмаларнинг паразитларга қарши таъсир кўлами ва самарадорлиги паразитларга қарши воситаларнинг патогенезини ўрганиш ва яратиш учун кенг қўлланилувчи ҳайвонларнинг асосий ичак паразитозларининг (ривожланиш босқичида) тажириба моделларида (Н.И.Лыкова, 1994; L.G.Byrd et al., 1994): оқ сичқонлар (энтеробиознинг тажириба моделида қўлланилувчи) аспикүлурузи (*Aspiculuris tetraptera* оксиуридлари личинка ва вояга етган босқичи); оқ сичқонлар гижжасининг (*Hymenolepis nana*) имагинал (вояга етган) ривожланиш босқичи; тилла ранг оғмахон описторхозии (*Opisthorchis leirneus*) (тадқиқот Сибир давлат тиббиёт Университетида бажарилган (Томск, Россия); оқ сичқонлар лямблиозии (*Lambliа muris* вегетатив шакллари ва уларнинг цисталари); *Leishmania donovani* қарши *in vitro* тажирибаларида (тадқиқотлар Ohio State University, Columbus, OH, USAда бажарилган) аниқланди.

Препаратларнинг самарадорлиги интенс-самарадорлик (ИС) бўйича аниқланди, ҳисоблаш учун тажириба ва назорат гуруҳлари ҳайвонларининг паразитлар ўртача сони солиштирилди ва ИС (%да) қуйидаги формула бўйича аниқланди: $ИС = 100 \cdot (K - O) / K$, K – назорат гуруҳи паразитлар ўртача сони; O – тажириба гуруҳи паразитлари ўртача сони (Хабриев Р.У., 2005). Тухум ва цисталар кўзғатувчисининг инвазион концентрацияси (100 тухум/цистадан 10000гача кўламда) (О.А.Ириков, 2007; R.J.Lin, 2014) биз қўллаган миқдорга мос келади.

Ўсимлик бирикмаларининг пребиотик фаоллигини билиш учун *in vitro* скрининг тажирибаларида пробиотик дори-воситалар ва пробиотик культуралар қўлланилди: «Бифидумбактерин РL», *Bifidobacterium longum 17x* ва *Propionibacterium avidum 1* дан (Д.К.Огай,1998) ва «ОРОМ-БИОПРЕПАРАТ» МЧЖда ишлаб чиқарилаётган «Лактобактерин Ором»: *Lactobacillus acidophilus 180*, *L. delbrueckii subsp. bulgaricus 906*, *Streptococcus thermophilus 108*, *66-1413* ва *Lactococcus lactis subsp. lactis biovar. diacetylactis 13c65-64* дан ташкил топган (D.К.Огай,1992). Шу қатори лактобацилланинг алоҳида культуралари - *Lactobacillus delbrueckii subsp. bulgaricus 906*, *L. plantarum 42*, *L. casei 171*, *L. rhamnosus 925* қўлланилди. Штаммларни танлаш генетик, физиолоқ-биокимёвий, антогонистик ва технологик хусусиятлар орқали олиб борилди (Д.К.Огай, 2012). Озуқа муҳитига ўрганилаётган бирикмалар 0,25% концентрацияда солинди. Инокулят, ўстирилган ўрганилаётган эрма маҳсус идишдаги 9,0 мл манбага 1 мл миқдорда солинди. Натижалар 1 млга экилган манбадаги тирик хужайралар миқдори бўйича ҳисобланди ва В.М. Бондаренко (2007) усули бўйича IgKOE/мл кўрсатилди. Продуцент-штаммларнинг кислота ҳосил

қилиш фаоллиги Л.Г. Креккер (2010) усули бўйича адекват озуқа муҳитида экилган бактерияларнинг кислота титри орқали аниқланди.

In vitro тажрибалари натижаларини тасдиқлаш учун оқ сичқонлар антибиотик-ассоциирловчи дисбактериози тажрибавий моделида (ошқозонга 7 кун давомида 3 мг/кг миқдорда кунига 2 марта гентамитацин (КРКА, Словения) юбориш билан зарарлантирилган), ўрганилаётган бирикмаларнинг пребиотик таъсири 1г нажасда тирик микроорганизмларнинг миқдорини ((колония ҳосил қилувчи бирлик (КХҚБ·г⁻¹) аниқлаш мақсадида биоматериал суспензиясининг қалин озуқа муҳитида 10 мартаба суюлтириш ва нажас суюлтирилган босқични ҳисобга олиб бактериялар колониясининг инкубация даврида ўсиб бориш ва экиш миқдорининг қуйидаги формула бўйича аниқланди: $M=N \times 10^{n+1}$, M – микроорганизмларнинг 1г нажасдаги сони, N - чашкада ўсган колониялар миқдори, n- нажасни суюлтириш И.Ю. Чичерин (2013) бўйича. *In vitro* ва *in vivo* тажрибалари натижаларини ҳисоблаш Дж.Хоулт (1997) бўйича идентификация турини ўз ичига олди ва микроорганизмларнинг миқдори юқорида кўрсатилган усул бўйича аниқланди.

Моддаларнинг микробга қарши фаоллиги микроорганизмларнинг тест–культура сезувчанлиги агардаги диффузия усули ва қисмли суюлтиришнинг мг/мл да кўрсатилган минимал тушувчи концентрацияни (МТК) аниқлаш орқали ўрганилди. Тадқиқотларда: *S. aureus* АТСС 25923/004134; *E. coli* АТСС 25922; *Pseudomonas aeruginosa* АТСС 27853/004135; *Bacillus cereus* 24/003600; *Candida albicans* 7/003838 штаммларидан фойдаланилди.

Ўрганилаётган бирикмаларнинг гепатотроп таъсирини ўрганиш учун каламушларда тажриба гелиотрин билан чақирилган гепатит модели танланди. Биокимёвий усулларни қўллаган ҳолда ҳайвонларнинг қон зардобидеги аланин- ва аспартатаминотрансфераза (АЛАТ ва АсАТ), (S.Reitman, S.Frankel, 1957) фаоллиги, ишқорий фосфатаза (ИФ) (O.Bessey et al., 1946) ва оксилнинг умумий миқдори (рефрактометр) (И.В. Рубин ва бошқалар, 1980) аниқланди. Шу қатори жигар тўқимасида гликоген (S.Lo et al., 1970) ва малон диальдегиди (МДА) (И.Д. Стальная ва Т. Гаришвилли, 1977), сут ва пирозум кислота (СутК ва ПУК) (I.Gutman et al., 1974 F.Friedeman et al., 1943) миқдори аниқланди. Олинган маълумотлар асосида гепатоцитларнинг СутК/ПУК (ОҚП СутК/ПУК) тизими оксидланиш-қайтарилиш потенциали ҳисобланди (М.Е.Райскина ва бошқа, 1970). Иммунотроп таъсирини ўрганиш интакт оқ сичқонларда ва 1,2Гр/дак кучланишли γ-тиббиёт нурлантирувчиси Theratron 5Гр сублетал миқдорда бир мартабалик юбориб иккиламчи иммунодефицит чақирилган ҳайвонларда олиб борилди. Нурлантириш вақти 20 минут, ҳайвонларнинг трубкадан узоклик даражаси 65см, нурланиш манбаси-⁶⁰Со бўлди. Ўрганилаётган моддалар иммунизация билан бир вақтда ҳайвонлар ошқозонига (250мг/кг) юборилди, N.K. Jerne и A.A. Nordin (1963) бўйича 2×10^7 /сичқон дозада қўй эритроцитлари (ҚЭ) ошқозон бўшлиғига жўнатилгандан 5 кун кейин улар талоғидаги антитана ҳосил қилувчи хужайралар (АХҚХ) сонига қараб баҳоланди. АХҚХнинг талоқдаги сони

иммунитетнинг марказий (тимус, суяк кўмиги) ва периферик (талок, қорин пардаси лимфатик тугуни) органлари умумий ҳужайралар микдорига қараб ҳисобланди.

Перитонеал макрофагларнинг функционал фаоллигини ўзгаришига ўрганилаётган моддаларнинг таъсирини ўрганиш учун (тажриба бошланишидан 1 кун олдин берилди) макрофаглар олиб ташланди, 199 гепарини ёрдамида ошқозон бўшлиғини 3 мл суюқлик билан, икки маротаба совуқ сув билан ювилди ва ҳужайралар керакли концентрацияга етказилди. 1,2 мкм диаметрли стандарт микросфера латекси (Е.У. Пастер, 1989.; И.С. Фрейдлин, 1984) ёрдамида фагоцитларнинг функционал фаоллиги ўрганилди. Перитонеал экссудатнинг фаол фагоцитларни ҳосил қилувчи ҳужайралари фоизи ва фагоцитар индекс битта макрофаг ёрдамида ютилувчи латексдаги частицалар сонига қараб ҳисобланди.

Бундан ташқари, умумий фармакологик (Р. У.Хабриев, 2005), ва, зарур бўлса, токсикологик тадқиқотлар ЎзР ССВ ФК фармакологик маҳсулотлар преклиник хавфсизлик синов учун кўрсатмалар қоидаларига қараб ўтказилган.

Тадқиқотнинг бажарилишида олинган маълумотлар Стъудент т-критериясидан фойдаланилган ҳолда ЭҲМ стандарт пакетининг «Excel» дастури ёрдамида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон флорасидан ажратиб олинган табиий бирикмаларнинг паразитларга қарши самарадорлигини натижаларини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида ўсимлик бирикмалари ҳайвонларнинг асосий ичак паразитози тажрибавий моделларида ўрганилди. Бирикмалар кейинги микдорларда ишлатилди: фитоэкдистероидлар, витанолидлар ва стероид генинлар учун -10 мг/кг, полифеноллар учун -50 мг/кг, лактонлар учун -20 мг/кг.

Стероид бирикмаларга кирувчи фармакологик моддалар гельминтга қарши фаоллигини аниқлашда: фитоэкдистероидлар, витанолидлар, стероид генинлар ва гликозидлар қаторига кирувчи спиростан ва фуростанларнинг гельминтга қарши фаоллиги уларнинг кимёвий тузилишига боғлиқлиги аниқланди. Уларнинг цестодозга қарши фаоллиги празиквантел кенг қўлланилувчи дори воситасидан паст бўлса ҳам, уларнинг микроорганизмларга ижобий таъсирлари борлиги (П.К.Кинтя, 1979; V.Gupta, В.В.Keshari, 2013) ва празиквантелнинг яққол гепатотоксик таъсирга эгаллиги кўрсатиб берилган (М.Д.Машковский, 2008).

In vivo тажрибаларида цитизин алкалоидининг синтезланган ҳосилалари, N-метилцитизин, N-бензил ҳосилалари ва 3-бромцитизиннинг геминолепидозга қарши фаоллигини ўрганиш вақтида *in vitro* тажрибаларида уларнинг алоҳида бирикмаларининг яққол лейшманиозга қарши таъсири борлиги ҳам аниқланди. Шундай қилиб, цитизин ва унинг синтетик модификацияси маҳсулотлари паразитларга қарши таъсирга эга восита сифатида муҳим қизиқиш уйғотиши мумкин.

Ўрганилаётган бирикмалар ичида маҳаллий флорадан олинган сесквитерпен лактонлар кўпроқ ўзининг гельминтларга қарши таъсирга

эгаллиги билан ажралиб турди, уларнинг нематодаларга нисбатан цестодадаларга яққолроқ таъсир қилиши адабиёт маълумотларига мос келади (М.Реѝа-Espinoza et al., 2016; G.Hrckova et al., 2013). Унинг турли типга мансуб (гваянолид, гермакранолид, эвдесманолид ва кадинанолид) гуруҳ бирикмаларидан фарқини таҳлил қилиш натижасида, углевод скелетининг тузилиши алоҳидалиги кўриб чиқилиши шуни кўрсатдики, сесквитерпен лактонлар ўзининг таркибида фармакофор функционал фрагментларга эга экан: α -метилен γ -лактон цикл, экзометиленли, эпоксидли, циклогексадиенли α,β -гўйинмаган кетон гуруҳлари, улар нейтрал рНда энзимларнинг сульфидрил гуруҳларини бириктириб олиш орқали паразитлик қилувчи организмларнинг ҳаётий муҳим бўлган фермент тизимини блоклайди.

Лактон сақловчи *Inula helenium L.*, *Tanacetum vulgare L.* ва *Artemisia annua* ўсимликларидан ажратиб олинган индивидуал лактонлар ўзининг гельминтларга қарши таъсири бўйича энг фаол бўлиб чиқди, лекин олинган маълумотлар етарли натижани бермади. Шу боисдан ва индивидуал бирикмаларга солиштирганда йиғма препаратларнинг синергизми юқори фаолликка эгаллигини эътиборга олган ҳолда (Н.А.Абдурахманова, 2011), улар асосида янги «Гельминтабс» дори воситаси яратилди, ушбу воситаси алоҳида имкониятларга эга: «Гелрем»га қараганда (100мг/кг) гельминтларга қарши таъсири бўйича 2 баробар кам дозада (50мг/кг) самарадорликни (96-98%) намоён қилади, ўсимлик манбаидан олинган ва у умуман захарсиз ($LD_{50}>3000$ мг/кг), салбий таъсирга эга эмас (В.Н. Сыров и др.1991; 2007; Н.В. Турсунова и др. 2007; А.Н.Набиев, 2002) ва макроорганизмга бир қатор ижобий таъсирларни намоён қилади (яллиғланишга қарши, гепатопротектор, ўт ҳайдовчи ва бошқа) (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

«Гельминтабс» ва «Гелрем» гименолепидозга қарши ва аспиклуурозга қарши фаоллиги ($M\pm m, n=10$)

Таъриба шароити	Микдорлар мг/кг	Таҳлил қилинганда паразитларнинг аниқланган микдори	p	Интенс-самарадорлик, %
Гименолепидозга қарши фаоллик				
Назорат	-	16,8 \pm 2,1	-	-
«Гельминтабс»	50	0,9 \pm 0,31	<0,001	94,6
	100	0,5 \pm 0,22	<0,001	97,0
Гелрем	50	6,9 \pm 1,6	<0,001	60,7
Аспиклуурозга қарши фаоллик				
Назорат	-	51,6 \pm 6,6	-	-
«Гельминтабс»	50	0,2 \pm 0,13	<0,001	98,8
	100	0	<0,001	100,0
Гелрем	50	25,5 \pm 3,4	<0,001	51,7

Полифеноллар орасида гельминтга қарши таъсири бўйича аммотамнидин халкони юқори фаолликка эга бўлди. Ўзининг гельминтга қарши таъсири билан бир вақтнинг ўзида ясси чувалчангсимонлар синфининг 2 та тури -*Hymenolepis nana* ва *Opisthorchis leirneus* ҳаётий жараёнларига таъсир кўрсатди. Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Ammothamnus Lehmannii* (*Fabaceae* – бурчоқдошлар оиласи) ёввойи ҳолда ўсувчи ўтсимон ўсимликдан индивидуал флавоноид аммотамнидинни ажратиб олиш технологияси қийинлиги ва қимматга тушишини эътиборга олиб, *A. Lehmannii* ўсимлигидан ажратиб олинган флавоноидлар йиғмасидан ташкил топган «Флавоцид» дори воситаси яратилди, ўзининг цестодозга қарши таъсири «Антигельминт» (500мг/кг) солиштирма дори воситасидан 50 мг/кг миқдорда устунликка эга бўлди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

***A. Lehmannii* ўсимлигидан олинган флавоноидлар йиғмасини Антигельминт билан солиштириб ўрганилганда *Hymenolepis nana* ҳаёт фаолиятига таъсири ($M \pm m$; $n=8-10$)**

Тажриба шароити, мг/кг	Даволашдан кейинги паразитларнинг аниқланган миқдори	p	Интенс-самарадорлик, %
Назорат	22,0±0,93		-
<i>A. Lehmannii</i> флавоноидлар йиғмаси, 50 мг/кг	0,88±0,12*	<0,001	96,0
Антигельминт 500 мг/кг	8,3±0,21	<0,001	62,2

Эслатма: *-таққослаш гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг аниқлиги ($p < 0,001$).

Hymenolepis nana ўз хўжайнининг соматик ва генератив хужайраларини генотоксик ва цитотоксик таъсири билан зарарлайди (Бекиш В.Я., 2004), ушбу гуруҳ касалликларини даволашда антиоксидант терапиясини қўллаш мақсадга мувофиқдир, флавоноидлар эса ўзининг антиоксидант хусусияти билан кенг кўламда танилган (Я.Ф.Зверев, 2017).

Ўрганилган бирикмаларнинг *Giardia muris* цисталари ва трофозоитлар ҳаётчанлиги бўйича турли миқдорларда *in vivo* тажрибаларида протозоаларга қарши фаоллигини ўрганишда лактонларнинг айримларида, айниқса репин, акроптилин ва гирканинларда *Acroptilon repens*дан ажратиб олинган ва илгари фитоэкдистероидларда, айниқса экдистеронда аниқланган. (Ж.И.Исламова, 2005). Лекин, *Ferula tadshikorum*дан олинган йиғма экстракти «Ферулямб») таъсири юқорироқ бўлди, ўзининг лямблиозга қарши фаоллиги (96,8%) 2 баробар кам миқдорда ҳам (250мг/кг) солиштириш учун олинган «Антигельминт» (500мг/кг) дори воситасидан устун бўлди (3-жадвалга қаранг), бу эса уни лямблиозга қарши восита сифатида қўллаш мумкинлигини ва жаҳон замонавий анаъналарига тенденцияларига мос келишини кўрсатиб беради (V.Neiva, 2014; S.Muller, 2016).

***Ferula tadshikorum*дан олинган экстрактнинг «Антигельминт» билан солиштирган ҳолда ўрганилганда *Giardia muris* ҳаёт фаолиятига таъсири (M±m; n=8-10)**

Таҷриба шароити	Миқдор, мг/кг	Таҳлил қилинган-да паразитларнинг аниқланган миқдори	Интенс-самарадорлик, %
Назорат	-	3134±277,1	-
<i>Ferula tadshikorum</i> экстракти	50	1204±86,4*	61,6
	100	545±33,6*	82,6
	250	99±6,3*	96,8
	300	96±5,9*	96,9
Антигельминт	500	850±70,9*	72,8

Эслатма: * - назоратга нисбатан аниқлилик ($p < 0,05$).

Шундай қилиб, кам заҳарлиликка эга паразитларга қарши самарали воситаларни ишлаб чиқиш муаммосини ҳал қилишда кимёвий таркиби бири-бирига яқин бирикмалар йиғиндиси асосида дори воситалари яратиш индивидуал моддаларга қараганда юқори самара бериши мумкин.

Сўнгги пайтларда табиий бирикмаларнинг турли синфларига мансуб ўрганилаётган моддаларнинг паразитларга қарши фаоллигини билан бирга равишда уларнинг микробларга қарши фаоллигини ўрганиши олиб борилмоқда (Ҳ.Ғарҳана et al., 2016; Д.Сажан et al., 2017). Стероид генинлар ва гликозидлар қаторига кирувчи спиростан ва фуростанларнинг, ҳамда табиий алкалоидлар дезоксивазицинон, макиназолинон ва уларнинг турли тадқиқотлар, уларнинг олдиндан белгиланган гельминтга қарши фаоллиги ҳузурида потенциал антибактериал ва антимикотик моддалар фойдаланиш истиқболларини кўрсатдилар (Ж.И.Исламова, 2016).

Диссертациянинг «**In vitro** ва **in vivo** таҷриба шароитида ўсимлик моддаларини топиш ва уларнинг пребиотик фаолликка таъсир самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида *Asteraceae* оиласига мансуб *Arctium leiospermum* ва *Helianthus tuberosus* L., ҳамда *Apiaceae* оиласига мансуб *Ferula kuhistanica* маҳаллий углевод тутувчи ўсимликларидан ажратиб олинган: арабиногалактан – озуқа толаси, пектин моддалар, инулин, фруктоолигосахаридлар ўрганилди. Ушбу ўсимликлардан ажратиб олинган бирикмалар, пробиотик микроорганизмлари маҳаллий штаммларининг - бифидобактериялар ва лактобациллалар ўсиши ва ривожланишини маълум даражада стимуллади, юқори натижалар *Ferula kuhistanica* ўсимлигидан олинган арабиногалактан ва пектин полисахаридларга хос бўлди.

Арабиногалактан *in vitro* таҷрибалари тизимида ассоциирланган пробиотик культура сифатида ҳамда пробиотик монокультура штаммларига берилганда ҳам микроорганизмларнинг ўсиши ва ривожланишига стимулловчи таъсир кўрсатди, таниқли лактулоза пребиотик воситасига

(«Дюфалак» дори воситаси) нисбатан ҳамда кенг кўламда қўлланилувчи олма пектин полисахариди (О-ППС) билан солиштирганда улардан қолишмаган ҳолда ва янада ҳам юқорироқ самара берди (4 жадвални қараңг).

4-жадвал

***Ferula kuhistanica* дан олинган арабиногалактаннинг *in vitro* тажрибаларида пробиотик экмалари ҳаёт фаолиятига таъсири**
($M \pm m$, $n=8-10$)

Тажриба шароити	Ig КХҚБ/мл	p	Самарадорлик, %	Кислоталик-нинг умумий титри, °Т
Bifidobacterium longum 17x + Propionibacterium avidum 1				
MRS бульон глюкоза билан (назорат)	8,89±0,23	-	100	150
MRS бульон+ арабиногалактан	10,75±0,27	<0,001	120,9	190
MRS бульон + О-ППС	9,86±0,28	<0,02	110,9	162
MRS бульон + лактулоза	10,68±0,37	<0,001	120,1	180
Lactobacillus delbrueckii subsp. Bulgaricus 906				
MRS бульон с глюкозой (назорат)	10,45±0,48	-	100	160
MRS бульон+ арабиногалактан	12,65±0,35	<0,002	121,0	185
MRS бульон + О-ППС	12,03±0,50	<0,05	115,2	165
MRS бульон + лактулоза	12,07±0,54	<0,05	115,5	180
Lactobacillus rhamnosus 925				
MRS бульон глюкоза билан (назорат)	10,33±0,38	-	100	130
MRS бульон+ арабиногалактан	12,4±0,41	<0,002	120,0	165
MRS бульон + -О-ППС	10,95±0,42	>0,05	106,1	128
MRS бульон + лактулоза	11,7±0,48	<0,05	113,3	149

Эслатма: 1 мл экилган муҳитдаги тирик ҳужайралар миқдори Ig КОЕ/мл келтирилган, * - $p < 0,05$ назорат гуруҳига нисбатан аниқлилик.

Ferula kuhistanica ўсимлигидан арабиногалактанни ажратиб олиш иқтисодий томондан самарасиз эканлиги сабабли кейинги изланишлар натижасида ушбу ўсимликдан пектин полисахаридлари ажратиб олинди. Ўрганилаётган экмаларнинг стандарт муҳитда ва ўрганилаётган

субстанцияларнинг (*Ferula kuhistanica* (Ф-ППС), олма (О-ППС) ва мандарин (М-ППС) пўстлоғи пектин полисахаридларини) кўшилган муҳит билан таққослаганда, пектин полисахаридлар *L. delbrueckii subsp. bulgaricus* 906 болгар таёқчасига самарали таъсир кўрсатди (5-жадвалга қаранг). Полисахаридларни муҳитга солиниши натижасида тирик хужайралар титри 12,03-12,66 $1g^{10}$ КОЕ/мл ни ташкил этди ва ўсишни оширишга юқори стимулловчи самарадорликни 21,2% (лактулозанинг самарадорлиги 15,5%) намоён қилди (5 жадвални қаранг).

5-жадвал

Ўрганилаётган пектин полисахаридларнинг ва лактулозанинг *Lactobacillus del. subsp bulgaricus* 906 ҳаётий фаолиятига таъсири

Тажриба шароити	lg КХҚБ/мл	p	Самарадорлик, %	Кислоталикнинг умумий титри, °Т
MRS бульон глюкоза билан (назорат)	10,45±0,48		100	160
MRS бульон + Ф-ППС	12,66±0,70	<0,05	121,24	190
MRS бульон + О-ППС	12,03±0,50	<0,05	115,2	165
MRS бульон + М-ППС	12,40±0,62	<0,05	118,66	170
MRS бульон +лактулоза	12,07±0,54	<0,05	115,5	180

Экилган муҳитда пектин полисахаридлар *L. rhamnosus* 925ак культурасида - 13,9%га, лактулозани солганда эса 13,3%га тирик хужайралар миқдори бироз кам ошди.

Микроорганизмлар томонидан пребиотикларнинг фаол қайта ишланиши экилган муҳитнинг кислота ҳосил бўлишини оширишга мос келади, стандарт MRS бульон билан ўстирилганда кислоталикнинг умумий титри мос равишда 130 дан 150 °Т гача, ўсимлик полисахаридлари кўшимчалари ва лактулозани кўшганда сезиларли юқори 135-190 °Т ни ташкил қилади (4,5 жадвалларга қаранг).

Пектин полисахаридларини пробиотик препаратлар тайёрлаш учун сорбентлар сифатида ўрганиш тажрибаларида О-ППС билан солиштирилганда Ф -ППС учун пробиотик экмасидаги юқори адсорбцион имкониятга эга иммобилизация қилинган тирик хужайраларнинг 1%ли концентрацияси оптимал ҳисобланди. Эҳтимол бу, пектин полисахаридларнинг физик-кимёвий хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бизнинг маълумотларимиз пробиотик штаммларни танлаш учун айниқса муҳим бўлган микроаэрофилли шароитда яратилган ўсиш ва кўпайиш учун Ф-ППСни қўллаш бифидобактериялар ва лактобактерияларнинг табиий тузилишини сақлаб қолинганлигини исботлайди (Д.К.Огай,2001).

Ф-ППСнинг *in vitro* тажриба натижалари лактулоза билан мос келадиган дозаларда сичқонларда антибиотик-ассоциирланган (гентамицин) тажриба дисбактериози билан тасдиқланди. Тажриба ҳайвонларнинг нажасини бактериологик ўрганиш натижалари гентамициннинг оғиз орқали юборилиши таъсирида ичак микрофлораси таркибидаги чуқур дисбиотик ўзгаришлар аниқланди. Бундай ҳолда, ҳайвонларда визуал дисбиотик ўзгаришлар гипокинезия ва бўшашган нажаслар билан намоён бўлди. Ривожланаётган дисбиоз фонида, тажриба гуруҳларининг ҳайвонлар нажасида бўлган яшовчан бифидобактериялар ва лактобактериялар сонига нисбатан аниқроқ бўлган Ф-ППСнинг ижобий таъсири аниқланди (6-жадвалга қаранг).

Шундай қилиб, олинган тажрибавий маълумотлар самарали пребиотик восита сифатида ошқозон-ичак тракти меърий микрофлораси ва ҳайвонларнинг ҳаётига хавфсиз ва ижобий таъсир кўрсатадиган Ф-ППСни қўллашни кўрсатади. Ф-ППС бизнинг тажрибаларимизда ҳам яққол кўзга ташланадиган иммуномодулятор таъсир кўрсатганлигини инобатга олган ҳолда, улар «ОРОМ-БИОПРЕПАРАТ» МЧЖнинг пробиотик дори воситалари ишлаб чиқаришга ўзларининг тиббий ёрдами учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган технологияларининг самарадорлигини ошириш мақсадида жорий этилди.

6-жадвал

***Ferula kuhistanica*дан олинган пектин полисахаридлар ва лактулозанинг энтерал юборилган фонида оқ сичқонларда гентамицин билан чақирилган антибиотик-ассоциирланган дисбактериозидида ичакдаги микроорганизмлар концентрация динамикаси (n=8)**

Берилган дори воситалар	Микроорганизмлар	Тажрибанинг ... кунидаги 1г нажасда тирик бактериялар миқдори, (КҲҚБ • г ¹)	
		1-3	7
Дори воситалар берилмаган (интакт)	Бифидобактериялар	$(4,6 \pm 0,5) \cdot 10^6$	$(4,3 \pm 0,7) \cdot 10^6$
	Лактобактериялар	$(3,4 \pm 0,7) \cdot 10^8$	$(3,3 \pm 0,8) \cdot 10^8$
Гентамицин (назорат)	Бифидобактериялар	$(2,2 \pm 0,6) \cdot 10^6$	$(1,2 \pm 0,4) \cdot 10^4$
	Лактобактериялар	$(1,8 \pm 0,5) \cdot 10^8$	$(1,1 \pm 0,5) \cdot 10^6$
Гентамицин+ Лактулоза	Бифидобактериялар	$(3,6 \pm 0,4) \cdot 10^6$	$(4,2 \pm 0,7) \cdot 10^7$
	Лактобактериялар	$(2,2 \pm 0,8) \cdot 10^7$	$(3,1 \pm 0,5) \cdot 10^8$
Гентамицин + Ф-ППС	Бифидобактериялар	$(4,2 \pm 0,4) \cdot 10^6$	$(5,6 \pm 0,6) \cdot 10^8$
